



## Ислом Нури

Муслим ибн Абдуллоҳ тайёрлаган

Аллоҳ таолога ҳамду санолар, тақводорлар пешвоси бўлмиш пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли оилалари ва асҳобларига салоту саломлар бўлсин.

Аmmo баъд: Ушбу мухтасар рисола Рамазон ойида биродарларимиз йўл қўядиган айрим хатоларни тузатиш мақсадида ёзилди. Бу арзимас хизматимизни Аллоҳ таоло Ўз даргоҳида қабул айлаб, уни барчамиз учун хайрли этсин! Омин!

1. Айрим мусулмонлар бу ойни ҳаддан ташқари кўп егулик ғамлаш билан кутиб олади. Биродарлар, Рамазон озиқ-овқат жамғарадиган маишат ойи эмас, аксинча топган-тутганингизни фақир-бечоралар билан баҳам кўриб, имкон қадар кўпроқ тоат-ибодат ва хайрли амаллар қилиб, Аллоҳ ризосига етишмоқ ойдир.

2. Баъзилар саҳарликни тонг киришдан анча вақтли қилиб оладиларда, кўп ажру савобдан қуруқ қолишади. Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга иқтидо қилиб саҳарликни тонгга қадар кечиктирсак, кўп ажрга эга бўламиз.

3. Рамазон рўзасининг нияти кечқурун қилиниши керак.

Rasululloh solallohu alayhi va salom dedilar: «**Kechqurun (tunda) kunza niyatini qilmagan odamga kunza yugdir!**».

«**Tong kirishdan oldin kunga niyatini qigan odam uchun kunza yuki**».

Ниятни тил билан айтмоқ ҳам хатодир. Рўза тутувчи кечаси дилида



## Ислom Нури

эртанги кунда рўза тутишни ният қилиши керак. Яъни «эртага рўза тутаман» деб кўнглидан ўтказиши кифоядир.

Шайхулислom Ибн Таймийя айтади: «Ниятни тил билан айтишнинг вожиб эмаслиги билиттифоқ таъкидланган. Аксарият мусулмонлар (қалбдаги) ният билан рўза тутадилар ва уларнинг рўзалари саҳиҳ».

4. Бомдодга азон айтилаётган пайтда сув ёки чой ичиб олишни одат қилмоқ ҳам хатодир. Агар муаззин тонг киришини тўғри белгилаган бўлса, азон эшитилаётган пайтда сув ичмоқ рўзани бузиши мумкин.

Шайх Усаймин айтади: «Бомдод азони тонг киришидан олдин ёки кейин айтилади. Агар бомдод азони тонг кирганидан кейин айтилса, азон эшитилиши билан оғиз ёпилиши керак. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Билол кечаси (яъни тонгдан олдин) азон айтади. Ибн Умми Мактумнинг азони эшитилгунгача еб-ичаверинглар. Чунки Ибн Умми Мактум тонг кирганидан сўнг азон айтади».**

Агар сиз муаззиннинг тонг киргач азон айтишини билсангиз, азон эшитилиши билан оғзингизни ёпинг».

5. Ramazon kirganidan bexabar qo'llangan odam «Endi baribir, ulgurmadim» deb o'qish kunning qo'lida bo'linma ham eb-ichib yurishni notog'ri. Musulmon kishi kechikkan bulsada, boshqa kunning qo'lida bo'ladigan eb-ichishdan tegishi kerak. Salama ibn Akva' roziyallohu anhudan: «Rasululloh solallohu alayhi va sallam Oshuro kuni Assalomallohu alayhi va sallam **kimning kunida bo'lsa, nihoyasiga etkazsin. Kimda-kim egan bo'lsa,** (kunining qo'lida juda arzon) **emasin!** » deb jar jarishga jo'natildarlar ».



## Ислом Нури

6. Мўминлар Рамазон ойини худди бошқа ойлардагидек бепарволик билан қарши олмасинлар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Рамазон кирганида жаннат дарвозалари очиб қўйилади, жаҳаннам дарвозалари беркитилади ва шайтонлар кишанга солинади».**

Рамазон фазли марҳамати хусусида ўнлаб саҳиҳ ҳадисларни келтириш мумкин.

7. Бугун Рамазоннинг биринчи кечаси эканлигини билиб туриб таровиҳ намозини ўқимаслик хатодир. Рамазон ҳилолини кўрган киши Рамазоннинг биринчи кечасига кирган ҳисобланади. Суннатга мувофиқ у масжидда жамоат билан таровиҳ намозини ўқиши керак.

8. Рамазонда унутиб еб-ичаётган кимсани дарҳол қайтариш керак.

Шайх Ибн Боз айтади: «Рамазон кундузида еб-ичиб ёки рўзани бузиб юборадиган бошқа ишларни қилиб юрган кимсани қайтариш лозим. Чунки рўза кунда у мункар амални қиляпти. Ҳатто узрли кишилар ҳам (ҳайз кўрган аёллар, беморлар..) бу ишни ошкор қилишдан тийилсинлар. Токи одамлар Рамазон кунда ҳаром бўлган амалларни қилиб, «унутиб қўйибмиз» деб баҳона қилмасинлар».

9. Баъзи ота-оналар қизларини ҳали ёшсан, деб рўзадан қайтарадилар. Бу нотўғри. Эҳтимол қизи ҳайз кўриш ёшига етгандир. Сиз аввал яхшилаб сўраб-суриштиринг.

Шайх Ибн Жибрийн айтади: «Кўп қизлар 10-11 ёшида ҳайз кўради. Ота-она эътибор бермасдан «Қизим ҳали кичкина» деб юриши нотўғри. Чунки ҳайз кўрган қиз балоғатга етган ҳисобланиб, мукаллаф



## Ислом Нури

бўлади».

10. Унутиб еб-ичиб қўйган киши рўзасининг саҳиҳлиги хусусида шубҳа қилиб, хижил бўлмасин.

Rasululloh solallohu alayhi va salom dedilar: **«Agar qay biringiz unutib eb-ichib kuysa, kunzasini kamoliga etkazavering. Universitet Olloh edirib-ichiribdi ».**

11. Рўзадор аёл ҳеч қандай хижилсиз хина қўйиши мумкин. Шайх Усаймин айтади: «Хина қўйиш, кўзга сурма қўйиш, қулоққа, кўзга дори томизиш каби амаллар рўзага ҳеч қандай зарар бермайди...».

12. Шайх Ибн Жибрийн айтади: «Овқатнинг тузини, таъмини билиш учун ундан озгина оғизга олиб сўнг туфлаб ташлаш рўзага зарар етказмайди. Фақат бир томчи ҳам ютиб юбормасин».

13. Рўза тутадиган кишининг рўзани бузадиган амалларни билмай юриши жуда катта хатодир. Киши рўзаси саҳиҳ бўлиши учун, Рамазондан аввал рўза ҳукмларини яхшилаб ўрганмоғи лозим.

14. Рамазон кундузида мисвок ишлатишнинг ҳеч қандай ҳаражи йўқ.

Rasululloh solallohu alayhi va salom dedilar: **«Agar ummatimga qarshi qilingan kilib kuyaman, deb uylamaganimda, ularni har qanday nomozdan keyin misvok ishlasa, buyrgan bo'lardim».**

Бухорий ёзади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам рўзани ажратиб кўрсатмадилар».

Шайх Ибн Усаймин айтади: «Мисвок ишлатиш билан рўза бузилмайди.





## Ислом Нури

**«Parvardigoro, ularga berilgan rizqni barakotli qilgin, gunohlarni kechirgin, davom eting!».**

17. Рамазон кечаларида эрлар жуфти ҳалоллари билан яқинлик қилишлари мумкин. Баъзилар билмаганликлари сабабли кечаси ҳам кўшилиш ҳаром деб ўйлайдилар.

**«Sizlarga kunza kechasida xotinlaringizni jalb qilish bo'yicha qaror qabul qilindi».**

18. Тонг киришидан олдин ҳайздан покланган аёл вақт тиғизлиги сабабли ғусл қила олмаса ҳам, рўза тутавериши керак. Унинг ғусл қила олмаслиги рўза тутмаслигига сабаб бўла олмайди.

19. Баъзилар намозларда қаттиқ овоз чиқариб йиғлайдилар. Албатта, Аллоҳ Каломидан мутаассир бўлиб кўз ёш тўкмоқ мақтовли хислат. Фақат бошқаларни чалғитмаслик ва эътибор қаратмасликка ҳаракат қилмоқ керак. Айрим кишиларнинг Қуръон оятларини эмас, қунут дуоларини эшитиб йиғлашлари ғалати ҳол.

20. Жунуб ҳолатида рўзага кирган кишининг сиқилиши, қазосини тутиб бераман дейиши ноўриндир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жунуб ҳолларида ҳам тонг оттирардилар, сўнг ғусл қилиб рўзаларида давом этардилар.

21. Айрим ҳижобли аёлларнинг кўчаларга, таровиҳ намозларига ясан-тусан қилиб, атир-упалар сепиб чиқишлари ва овозларини баралла кўтариб гапиришлари жуда катта хатодир. Муслималар, чин маънода мастура бўлингиз!

22. Баъзи рўзадорларнинг ухлаб қолиб, пешин ва аср намозларини ўз



## Ислом Нури

вақтларида ўқимасликлари ғоят номаъқул ишдир.

**«Bas, namozlarini unutib kuchadigan kimsalar katta namozxonlarga halokat bulgay!».**

Аҳли илмлар «Улар намозларини вақтидан кечиктирадиган кишилардир» дейишган.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан «Энг яхши намоз қайси?»- деб сўради. **«Вақтида ўқилган намоз»**, дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Яна бир ривоятда **«Дастлабки вақтида ўқилган намоз»** дейилган.

23. Вақт кирганлиги аниқ бўлиши билан тезда оғиз очмоқ лозим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Одамлар модомики ифторни тезлатар эканлар, яхшилик устида бўлаверадилар».**

**«Ifftorni ertoq (vaqt kirishi bilan) , saqlanishni esa kechroq (tong kirgunga qodir) qilinglar» .**

24. Муаззиннинг азони тугашини кутиб ўтирмоқ ҳам хатодир. Агар аниқ вақти кирган бўлса, азон эшитилиши билан оғиз очиш керак. Азон тугашини кутган киши ортиқча нарсани зиммасига олган бўлади.

25. Оғиз очиш олдидан Аллоҳга дуолар қилишни унутманг. Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатлари ва унинг фазли улуғ. Зеро, дуоסי қайтарилмайдиган кишиларнинг бири ифторни кутиб ўтирган рўзадордир.



## Ислom Нури

Rasululloh solallohu alayhi va salom dedilar: **«Uch kishining duosi qaytarilmadi: ... kunzadorning duosi to iftor kilgunicha ...»** .

26. Рамазоннинг охирги ўн кунлигини баъзи бировлар кийим-кечак танлаш, ҳайитдаги турли «маросим»ларга тайёрланиб, тухум, сарёғ қидириш билан ўтказадилар. Наҳотки Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга шуни ўргатган бўлсалар?! Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам охирги ўн кунликда ўзларини ибодатга бағишлаб, белларини маҳкам боғлаб, тунлари бедор бўлиб, аҳли оилаларини ҳам Аллоҳ ибодати учун уйғотар эдилар.

27. Баъзи узрли беморларнинг рўза тутмасликдан ҳижолат чекиб, қийналса ҳам рўза тутиб юришлари нотўғридир. Ахир Аллоҳ таоло ундан ҳаражни кўтариб, рухсат бериб қўйган-ку!

**«Va kim xasta yo'qi musofir ko'psa, u vaziyatda (kunza tutilgan kunlarning) sanog'ini bo'shashtiradigan kunlarda (tuzalach yoki boshqa safardan qaytgan) tutadi»** .

28. Ruzadorning faat eb-ichish bilan mashg'ul bo'ling, azonga javob bermasligi ham tug'ri emas. Rasululloh solallohu alayhi va salom dedilar: **«Azon nidosini eshitsangiz, muazzinning so'zlarini takrorlangiz!»** .

Азонга жавоб бериб ўртада еб-ичиб турса ҳам бўлаверади.

29. Болаларни ёшлигидан рўза тутишга ўргатиб бориш зарур. Токи улар рўза тутишга кўниксинлар ва одат қилсинлар. Рубаййиъ бинти Муаввиз айтади:

**«Bolalarimizga ham kunza tuttira edik. Ularga jundan uyinchog yasab berardik. Birontasi ovqat deb yig'lab qolsa, iftorgacha**





**uyinchoq berib ovutar etik ».**

30. Айримлар мусофир кишини рўза тутмагани учун ёмон кўради. Бу нотўғри. Мусофир ҳолатига қараб рўза тутиши ҳам, рўза тутмаслиги ҳам мумкин. Мусофир қуйидаги уч ҳолатнинг бирида бўлади:

а) Агар мусофирга рўза тутиш оғир бўлмаса, унинг рўза тутгани афзал.

**«Agar biladigan bulyansizlar, kunza tutishingiz uchun sizlar uchun yaxshilikdir» .**

б) Мусофирга рўза тутиш оғир бўлса-ю, у рухсатдан фойдаланишни истамаса ҳам, унинг рўза тутмагани афзал.

**«Allox hech bir jonni toqatidan tashkari narsaga mukallaf qilmas» .**

Rasululloh solallohu alayhi va salom dedilar: **«Olloh taolo buyurtmalarini qabul qilish uchun xush ko'rganingiz, ruhsat beruvchilar bilan birgalikda ko'rishingiz kerak» .**

**«Safardagi kunza yaxshilikdan emas» .**

в) Агар машаққат тайин бўлмаса, рўза тутиш-тутмаслик мусофирнинг ихтиёри.

Ҳамза ибн Амр Асламий розияллоху анҳу кўп рўза тутиб юрарди. Шу киши Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан «Сафарда рўза тутайинми?», деб сўради. **«Хоҳласанг, рўза тут, хоҳламасанг тутма»**, дедилар Набий соллаллоху алайҳи ва саллам.



## Ислом Нури

Anas ibn Molik roziyallohu anhu aytadi : «**Rasululloh** solallohu alayhi va salombilan safar qilardik. Ruzador kunza tutmagani, kunza tutmog'i odam kunzadorni ayblamasdi ».

31. Рўзадор бақириб-чақирмасдан, ножойиз сўзларни ишлатмасдан, оғир-вазмин бўлиб юрмоғи керак.

Rasululloh solallohu alayhi va salom dedilar: «**Ro'za qalqondir. Qay biringiz kunza tutsa, nopok so'zlarni ishlatmasin, bokirib-chaqirmasin. Agar uni birov suxsa yoki haqiqat qilsasi, «Men kunzadorman», deb aytsin** » .

Рўзани фақат еб-ичишдан тийилиш деб тушунмаслик керак. Рўза бу гуноҳ-маъсиятлардан тийилиш, ёмон хулқлардан ва сўзлардан сақланиш ҳамдир.

32. Рўзадор Рамазоннинг қимматли кунларини ўйин-кулги, бемаъни кинолар ва бошқа кўнгилхушликлар билан зое қилмасин. Бу иймоннинг заифлашувига, ғанимат ойнинг улуғ ажр-савобларидан маҳрум бўлишига олиб боради. Наҳотки мўмин бағоят қимматли неъматни мана шундай хору хасга алмашса?! Рамазонни тоат-ибодат, Қуръон ўқиш, зикр, дуо, фойдали илм олиш, масжидларда ўтириш билан ўтказиб, мўл ажру савоб ҳосилини кўтармоқ лозим.

33. Айрим рўзадорлар сафарга чиқсалар ҳам, рўза тутмасликдан ҳижолат-ҳараж сезадилар. Бу хато фикр. Биз юқорида рухсатларнинг олинishi хусусида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини келтириб ўтдик.

34. Кўпчилик Қуръонни фақат хатм қилиш мақсадида тадаббурсиз,



## Ислом Нури

қироат қоидаларига риоя қилмасдан шошиб-пишиб ўқишни одат қилган. Тагин улар ўзларини яхши иш қиляпмиз деб ўйлашмасин. Қуръон мана шу ойда нозил бўлди. Аллоҳ таоло пайғамбарига нима деб буюрганини биласизми?!

**«Va Qur’onni tortil bilan (dona-doona kilib) tilovat qiling» .**

Қуръон оятларини тадуббур қилиб, шошилмасдан қироат қилиш вожибдир.

35. Айримлар имкониятлари бемалол бўлса ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатлари бўлган эътикофга эътибор бермайдилар. Эътикоф суннاتини зое қилманг!

36. Рамазон кунларида соч олдириш, тирноқ олиш ёки ҳаром туклардан покланиш рўзага асло зарар бермайди. Ахир булар суннат амаллардан-ку!

37. Айримлар рўзаси бузилиб қолишидан қўрқиб тупукларини ютмасдан нукул тупуриб юришади ва бу билан одамларга озор беришади. Тупук ҳатто кўп бўлса ҳам, рўзани бузмайди.

38. Рамазон кунларида қаттиқ иссиқдан қийналган бўлмаса, оғиз-бурунни чуқур чайқамоқ хатодир.

Шайх Ибн Усаймин айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Таҳоратни яхшилаб олинг, бармоқларингиз орасини ҳилол қилинг. Бурнингизни яхшилаб чайинг. Фақат рўзадор бўлсангиз, бундай қилманг».**

39. Нафас қисиш касалига дучор бўлган беморлар (астма касаллигига



чалинганлар) астмапен ишлатишлари мумкин. Улар рўзалари бузилиб қолишидан қўрқмасинлар.

Шайх Ибн Усаймин айтади: «Астмапенни ишлатиш Рамазонда ҳам, бошқа пайт ҳам мумкин. Чунки у ошқозонга эмас, нафас йўлларига боради. Шундан кейин киши оддий нафас олади, у еб-ичишга кирмайди».

40. Ruzador ko'ziga, kulog'iga dorining tomizishi, soch-shokolini xina bilan bog'liq byayashi, kiziga surma kuyishi mumkin. Shaxih qavatga qarab bu amallar kunzani buzmaydi.